



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

2022 йил 8 август

Бекобод шаҳар

4-1106-2202/858-сонли иш

Бекобод туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Набиев раислигида, З.Бекмуратованинг котибалигида, аризачи [REDACTED] жавобгар [REDACTED] банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси юзасидан қўзғатилган иқтисодий ишни тарафлардан: аризачи вакили [REDACTED] (ишончнома асосида) иштирокидаги очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

аризачи [REDACTED] (бундан буён матнда “аризачи” деб юритилади) судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади) банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган аризачи вакили аризадаги асосларни таъкидлаб, жавобгар 2022 йил май ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаганлигини билдириб, аризани қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлса-да, бугунги суд мажлисида вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 128-моддаси 5-қисмига кўра, агар ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Жавобгарга суд ҳужжати электрон шаклда юборилганлиги ва 27.07.2022 йилда қабул қилиб олганлигини тасдиқловчи маълумот иш ҳужжатида мавжуд.

Мазкур ҳолатда суд, жавобгар вакили суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор этилганлигини ҳамда низо юзасидан

қарор қабул қилиш учун материаллар етарли эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ишни жавобгар вакили иштирокисиз кўришни лозим топди. (Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Суд иш хужжатларини ўрганиб, аризачи вакилининг кўрсатмаларини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра аризачи қаноатлантиришни лозим топди.

Иш хужжатларидан кўриб, жавобгар томонидан 2022 йил май ойи учун Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи 2022 йил 19 июль кунига қадар тақдим этилмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда “СК” деб юритилади) 273-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Аризачи солиқ ҳисоботини тақдим этиш юзасидан жавобгарнинг шахсий кабинетига 2022 йил 22 июнь кuni электрон шаклда хабарнома юборган. Бирок, жавобгар ушбу хабарномани қабул қилиб олган бўлса-да, солиқ ҳисоботларини белгиланган муддатда тақдим этмаган.

СК 111-моддасининг биринчи қисмига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Шунингдек, ушбу модда учинчи қисмининг 1-бандига кўра юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

Мазкур ҳолатда жавобгар [REDACTED] томонидан Қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботларини бугунги кунга қадар тақдим этилмаганлиги аризачи вакилининг судга тақдим этган маълумотномаси, кўрсатмаси ҳамда иш хужжатлари билан тўлиқ тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118-моддасининг биринчи қисмига кўра суд харажатлари ишда иштирок

этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Қайд этилганларга қўра суд, ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ўрганиб чиқиш, аризани қаноатлантиришни, “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига асосан аризачи ва жавобгар - ҳужжат таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлиқ озод этилганлигини инобатга олиб, иш бўйича давлат божини ундирмоқ лозим топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 179 ва 222-моддаларини қўллаб, суд

қ а р о р қ и л а д и:

Аризачининг талаби қаноатлантирилсин.

Жавобгар

банклардаги барча ҳисобварақлари бўйича барча чиқим операциялари тўхтатилсин.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

“Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 9-моддасининг 19-бандига кўра аризачи ва жавобгар - ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божидан озод этилганлигини инобатга олинсин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф шу суд орқали Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўн кунлик муддат ичида апелляция шикояти бериши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

М.Набиев